

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газете 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 85 (6.574)

© 1988 йил 13 апрель, чоршанба

Баҳоси 3 тийин



Аниқ мақсад сари

© Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли қорхоналар коллективлари фахр ва техника тараққиётини жадаллаштириш ҳисобига ўз олдларига қўйилган вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Қурилишда бунинг аҳамиятини таърифлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.

Мавжуд 3 та уйсозлик комбинати, ҳажмли-блокли уйсозлик комбинати, 5 та махсус қурилиш трести, 2 та қурилиш-монтаж поезди ва бошқалар билан бир қаторда «Промстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси бутунги кунда энг замонавий қурилиш техникаси ва воситалари билан жиҳозланган.

© Шу кунларда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ана шу бирлашмада ҳам ўзаро мусобақа кенг тус олиб кетди.

Масалан, бу ерда коммунистлар анжумани очилганидан кунгача беш йилликнинг уч йиллик иланини бажариш учун қурашгаётган бригадалар таъаббус қўпчилига ибрат бўлади. Шуни қувончлики, улар тизим график асосида ишлаётган бошқа коллективларни ўз ортларидан эргаштириб боришга.

Ҳозир барча меҳнат коллективлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинган.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Г. Гусак Тошкентга келди

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак 12 апрель кун Тошкентга келди.

Ҳурматли меҳмон шарафига Тошкент аэропортида ЧССР, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари кўтарилган ҳамда чех, рус ва ўзбек тилларида табрик транспарантлари осилган эди.

Густав Гусакни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ф. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри С. О. Азиев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, ЧССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Орлов, ЧССР Ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, ЧССРнинг СССРдаги Фахрхўда ва мухтор элчиси И. Ржегоржек, СССРнинг ЧССРдаги Фахрхўда ва мухтор элчиси В. П. Ломакин Густав Гусак билан бирга Тошкентга келдилар.

(ЎТАҒ).

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

Вагонлар бекор турмайди

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг Тошкентдаги юк товар станцияси шаҳримиздаги кеска қорхоналардан бири. У нш бошлаганида бу йил юз йил тўлади.

Станция коллективи республикаимиз халқ хўжалиги ютуқларини манзилларга етказиб беришда катта ҳажмли ишларни бажармоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида 4 минг тонна юк тушириб олинди, 3,5 минг тонна юк ортилди. Темирйўлчилар эришган ютуқлардан бири — вагонларнинг бекор туриб қолиши кескин қисқарди. Тунги смена ташкил этилиши натижасида вагонларнинг бекор туриши 14 процент қисқарди.

Тонги газеталарда

© «Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ва ҳуқуқ бузиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорнинг баёни;

© Ўн биринчи қақриққ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси қабул қилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорлари эълон қилинган.

324-САЙЛОВ ОКРУГИ БУЙИЧА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗГАН ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

1988 йил 10 апрелда ўрни бўшаган депутат ўрнига 324-сайлов округи буйича Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловлар «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига тўла мувофиқ равишда ўтди.

Овоз беришда 2811 киши ёки сайлов округи бўйича жами сайловчилар сонининг 90,0 проценти иштирок этди.

Депутатликка номзод учун 2809 сайловчи овоз берди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг тинловчиси Лариса Фелорона Корера 324-сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати қилиб сайланди.

Округ сайлов комиссияси.



33-57-02

32-55-35

Ўтган ҳафтада чиққан газета сонлари бўйича «Ишончли мулоқот»га йнгирма беш оқшомхон қўнғироқ қилди, ўттинга яқин хат келди. Биз уларга ўз миннатдорчили-

гимизни билдираимиз. Келинг, оқшомхонлар газета редакцияси коллективининг ҳафталик фаолиятига қандай баҳо берганликларини ва қандай иста-қоҳларини билдирганликларини билан танишайлик.

Ҳафтида Абдуллаев, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, 1940 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер (Наманган шаҳар, 4-Тошкент преезди, 10-уйда истиқомат қилади):

— Мен «Тошкент оқшомининг» мунтазам олиб, ўқиб бораман. Турри, газета бизга эртас кунни еттиб келаяпти. Мен доимо Тошкент ҳаёти, жўқини фаолияти қизиқтиради. Шуни-ки ахшики, газетдаги материаллар қизиқкиш билан ўқилади.

«Ўйтак заволи» рейд — материал, айниқса, ёқди. Янги мавзуда — кооперативлар ҳақида берилган. Ягона истиғам шўки бу, рейдни охиригача етказиш, унинг таъсирчанлигини охиригача етказиш, токи кооперативлар ишидан аҳоли мамун бўлсин.

Рамзиддин Файридиннов, Улуғ Ватан уруши иналлди, меҳнат ветерани:

— «Ўйтак заволи» сингари рейд материалларини тез-тез бериб бориш лозим.

Бундан ташқари, «Оқшом» саҳифаларида борбонларга масалаҳат тарзида тоқларни парварিশлаш, тоққа кул тушишининг олдини олиш ҳақида ҳам мақолалар берилишини истардим.

— Файридин Нуриддинов, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоиси, шахсий пенсионер:

— Кунига уйимизга 7—8 та газета келеди. «Оқшом»ни оиламизнинг барча аъзолари севишди. Айниқса, бизга «Замондошимиз» рубрикаси остида берилаётган ширин лавҳалар ёқди. Газета бизни шахримизнинг илгор ишчилари, бугунги ҳаёти ва фаолияти билан мунтазам таништириб бораётганини қувончидир. Шунингдек, менга «Самимият»

— Менга «Бўлган воқеа» рубрикасида берилган «Умидига етганда, юлдузи сўнган Умид», «Ўдақнинг кўз ёшлари» ёқди. Айни пайтда ўсмирлар ҳаёти, мактаб ва оилада ўсмирларни тарбиялашдаги муаммолар ҳақида материаллар бериб борилса яхши бўларди. КПСС Марказий Комитетининг шу йил фев-

Серқуёш дйбрийида Корея Халқ Демократик Республикаси кунлари бошланди. Бу дўстона маданий тадбирларда қатнашиш учун КХДР корей-совет дўстлиги жамиятининг делегацияси Тошкентга етиб келди. Делегация Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Нампхо шаҳар комитети масъул секретари, КХДР Олий Халқ Кенгашининг депутати Пак Син Ии бошчилиги қилимда. Мухбиримиз у билан сўхбатлашди:

— Мухтар Пак Син Ии, Совет Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси, шунингдек Ўзбекистон ва Нампхо меҳнатчилари ўртасида ривожланиб бораётган дўстлик алоқаларини қандай баҳолайсиз?

— Совет Иттифоқи жаҳондаги барча қардош социалистик мамлакатларнинг энг яқин дўсти ва биродаридир.

Тошкент ва Нампхо шаҳарлари ўртасидаги географик масофа ўн минг километрдан зиёд. Бу шаҳар Сариқ дегиздан шимолроқда.

— Ғарбий Корея кўлигида жойлашган бўлиб, пойтахт — Пхеньяндан юз кило-

метрча масофада пастроқда ўрнашган. У порт шаҳри ҳисобланади. Унда рангли металлургия, машинасозлик ва металл ишлаш, қурилиш материаллари саноати ривожланган.

Совет Ўзбекистони билан Нампхо ўртасида яхши дўстлик ва маданий алоқалар бошланди. Ўтган йили биз ватанимизда Ўзбекистон ССР маданияти вакиллари кутиб олгандик. Ўзбек дўстларимиз орасида партия, совет, жамоат ташкилотлари вакиллари, лекторлар, санъат ва маданият ходимлари бор эди. Корейс томошабинлари, айниқса, Қорақалпоғистоннинг «Ойқулаш» дав-

лат ашула ва раис ансамбли санъаткорлари санъатидан кўп баҳраманд бўлидилар. Шунингдек, ўзбек расомлари асарлари ва халқ амалий санъати намуналарини қамраб олган кўргазма катта қизқич билан томоша қилинди. Ўзбек фильмлари кўпчилига манзур бўлди. Бир сўз билан айтганда, ўтган йилги учрашувимиз катта дўстлик байрамига айланди ва дўстона алоқаларимиз тарихида муносиб саҳифа бўлиб қолди.

— Ўзбекистон ССРда ўтандиган дўст корейс маданияти кунлари тадбирлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Делегациямиз ўттиз кишидан иборат. Улар орасида Корея Меҳнат партияси ходимлари, маданият вакиллари, қорхона ишчилари, артистлар, бадиий ҳаваскорлар бор.

Корейс халқ миллий санъатини намойиш қилувчи махсус ансамбль ҳам биз билан бирга келган.

Улар «Интуркст»нинг маданият-ахборот марказида дўстлик кунлари тантанали очилишида биринчи концерт беришди. Санъатимиз сизларга манзур бўлганлигидан мамнунмиз.

Бундан ташқари «Нампхо шаҳри тасвирий ва амалий санъати» кўргазмаси Ўзбек томошабинлари диққатига ҳавола қилинмоқда. Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида очилган санъат намоишида бугунги корейс халқининг мазмунли ҳаёти, жўқини меҳнати, одамларнинг маънавий қиёфаси билан танишиш мумкин.

Кореяда кино санъати ҳам муносиб тараққиёт этган. Унинг гоёси, мақсади халққа хизмат қилишга қаратилган. Биз дўстлик кунларига олиб келган ҳужжатли картиналаримиздан бири «Корея озод эгилганлигининг 40 йиллиги» деб аталади. Узоқ

қурашлар натижасида мамлакат мустақиллигини қўлга олган халқ қирқ йил мобайнида эришган ютуқларини байрам қилади. «027-буйруқ» картинаси ҳам мамлакатнинг шонли йўли ҳақидадир.

— Дўстлик учрашувлари Ўзбекистоннинг яна қайси шаҳарларида бўлиб ўтади?

— Кеча биз қадимий Бухоро шаҳрига марҳамат қилдик. У ерда кўп тарихий архитектура обидаларини кўрдик. Зардўзлик фабрикасида ишчилар билан учрашдик.

Ажойиб шаҳар. Вутун Хоразм областига бориб Ўрганч, Хива шаҳарларида бўламиз. Отағий номидаги область театрида корейс санъат усталари концерт беришади. Шундан кейин Қорақалпоғистонда бўламиз, кейин пойтахт областидида учрашувларни давом эттирамиз.

— Мамлакатларимиз, шаҳарларимиз ўртасидагидай дўстона алоқаларнинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Аввало шунини айтиш керакки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг халқаро майдонда олиб бораётган тинчликсевар сийбати социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги қардошларча алоқаларни доимо мустаҳкамламоқда. КПСС ва Корея Меҳнат партияси бу зилмас дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик сийбатини олиб боришмоқда. Ана шу дўстлик самараси рамзи сифатида учрашиб турамыз. Бундан ташқари бундай илтифот қўрсатган чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятини бундан борадаги таъаббусидан миннатдоримиз.

Газетанинг шу сонига интервью

Д ў с т л и к к ў ш и ғ и

ЎЗБЕКИСТОН ССРда КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ

Ишончли мулоқот

«Алло... Истагингизни эшитамиз...»

рель ойда бўлиб ўтган Пленуми кўйган ва-зифалар асосида ўқитувчининг бўлиши ҳақида қизиқарли мақолалар ўқиниш истардик. (Эсимизда, авалларий ҳамма ўқитувчинини ҳурмат қиларди, ҳозирги пайтда бу нарсга негизий унчалик сезилмаяпти).

Газетанинг 4-бетдаги эълонларнинг ҳаммаси бир хил бўлиб қолмаптими? Масалан, асосан эълонлар мазмунини ишларга қаратилган. Нега, масалан, унда кўп болали оналарга уйга иш бериш ҳақида эълонлар кўринмаяпти. Шу ҳақида бир ўйлаб кўриш.

Тоҳир Эргашев, Тошкент таърих-механика заводи ишчиси:

— Кроссвордлар нега кўринмай қолди? Файзулла Исмомов, 236-мактабнинг 10-синф ўқувчиси:

— Нон ҳақидаги подборка яхши. «Бир асар тарихи» севияси янада оширилса.

Мунира Аҳмедова, уй бекаси:

— Шахсан мени қизиқтирмаган мақола бошқа оқшомхонлар учун қизиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли фалон мақола қизиқ эмас, деб айтолмайман. Аммо саломатлик ҳақида илгари кўп ёзиларди, негадир қамайиб кетди. Юрак пороғи ҳақида мақола ўқиниш истардим. «Турмуш чорраҳаларида» яхши чиқаяпти.

Хўриниса Савдобоева, Цюлковский йўчаси, 342-уйда истиқомат қилувчи уй бекаси:

— Турмушга қизиқганимга тўрт йил бўлди. Тўйимда Тошкент мебелларини харид қилишган эди. Ҳоёрдек, сифатсизлиги сабабли ишдан чиқди: эшикларни паст-баланд, 890 сўмга олишувди. Ота-оналар ўз мебелларини ёдгорлик сифатида фарзандларига мерос қолдиришди. Мен ҳозирдек шалоғи чиққан Тошкент мебелларини уларга совға қилиш у ёқда турсин, қўн-қўшилларга кўрсатишга уялланаман ҳам.

Махтура Усмоновидова, «Ташкестильмаш» заводи кутубхона мудириси:

— Яхши қайноналар ҳақида ҳам ёзилса. Раҳманбек Мўйидов, В. П. Чкалов номида-

ги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қувачиси:

— Гуфрат Рисквев ҳақидаги мақола ёқди. Тоҳиржон Халимжонов, Тошкент ўқимачилиги ва енгил санъат институтининг 4-курс студенти:

— Гуфрат Рисквевнинг кейинги ҳаёти ҳақида ҳам материаллар бериб берилса. «Бир асар тарихи» хис бўлгачи, Саид Аҳмадининг «Беллилар қўзғолони» ҳақида ҳам интервью уюштирилса.

Манзура Шоюнусова, Куйбисhev районидидаги 14-мактабнинг фарзанди:

— Қайта кўриш ҳақида материаллар кўп-роқ берилса. «Мушоҳада», «Кўпгилхона» кўп-Бўстонали Тоқибоев, В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юрти бўлим мудириси:

— «Инсон — одоби азия» яхши. Оила этикаси ва психологияси, ёш оилаларни мустаҳкамлаш ҳақида, айниқса, илгор мактабларнинг, шаҳардаги педагогика билим юртларининг иш тақрибалари ҳақида мақолалар ўқиниш истайман.

— Аъзам Қаймов, ТошДУ математика фа-

культетининг III курс студенти:

«Янгиланиш йўлидан», «Бу — қизик», «Шанба оқшом» ёқди. Аммо «Жиноят содир бўлгандан кўнглимиз унча тўлмаяпти. Нега олий ўқув юртлари ва техникумларда ҳозир бораётган қайта қуриш ҳақида мақолалар кўринмапти?

Махшад Усмоновлева, «Ташсельмаш» заводи ишчиси:

— Абдулла Ориповнинг янги шеърларидан кўпроқ ўқиниш биргина мен эмас, барча ҳамкасбларим ҳам исташади.

Шавкат Тошпўлатов, Тошкент илмий қолғу асбоблари фабрикаси инжениери:

— Махшур спортчиларимиз ҳаёти ҳақидаги ва «Ўдақнинг кўз ёшлари» мақолалари яхши. Шерали Жўраев, Ғуломжон Екубов, Хайрулла Лутфуллаев ва Ортиқ Отажоновларнинг шахсий (оилавий) ҳаёти ҳақида лавҳалар берилса, бу бизнингча ҳаммадан қизиқтирарди.

Оқшомхонлардан У. Каримов, К. Қосимов, Т. Обидов, З. Рашидов, А. Рашидов, М. Мирзаева, Р. Музаффарова ва бошқалар ҳам ўз қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

«Ишончли мулоқот» қабулхонасидан.

Икир-чикир, тор шахсий манфаат асосида ёзилган хат-хабарлар ва қўнғироқлар ҳамон кўп. Масалан, чикидини ташвиш, сикбғот қийнашди кетгани, автобус тўхтамай ўтиб кетгани ва ҳоказолар ҳақида. Булар ҳақида ҳам ёзиш мумкин ва керак. Аммо нега бу ҳақида улар ўзларни истисомат қилаётган маҳаллий ва район ташкилотларига коллектив суратда мурожаат қилмайдилар! Тўғри, яқин маҳаллий ва район мутасадди ташкилотларининг хат, шикоят ва аризаларга бюрократик муно-

сабатда бўлишлари, вазьабозликларини ва лояқадлик билан қарашлари натижасида оқшомхонлар редакцияга икир-чикир ма-салапар бўйича қайта-қайта қўнғироқ қилишга мажбур бўлишяпти.

Биз шунини эслатиб ўтишни истардимки, бундан бун «Ишончли мулоқот» шаҳар бўйича кўтарилган муаммолар токи жойларда ҳал этилмагунча бу мавзуга қайта-қайта таверади.

«Ишончли мулоқот» навбатчиси Ҳамид ИКРОМОВ.



Тошкент кўн-галантерей фабрикасида беш йиллик тошқирларни муваффақият билан адо этётган ишлаб чиқариш илгорлари кўп. Улар замонавий буюмлар ишлаб чиқаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Нури опа станок ёнига бораркан, цех бурчагида тулланиб турган ёш ишчи қизлар эътиборини тортди. Нури опа қўлидаги соатига қараркан, улар томон юрди.

— Хорманглар, смена дошлар. Иш вақтингиз тугади-ку. Уйга шошилмай турганингизга ҳайрон бўлиб келаётганим.

Ҳаммалари Раънога қарашди. Раъно — биринчи смена ишчиси. Нури опа босиқлик билан қизнинг сўзларини эшитди. Раънонинг ўтган ойда қанча иш бажариши лозимлиги ва эришган ютуқлари, сифат кўрсаткичлари билан қизикди. Натижада ҳаммаси ойдинлашти.

Қўлингизми, — деди тақрибани ишчи. — энди хўжакўрсинга ишлайдиганлар бўлмайди. Номингана. «Мейдан кетгунча» эгасига етгунча» қабилда ишловчилар уялиб қолишди. Ма-на сиз ўтган ойда брак ма-териал ўтказиб юборганин-гизни тан олиб турибсиз. Ана шу сифатсиз ишингиз учун энди ўзингиздан гина қилишингиз керак.

Қизга бор гапни шартта айтган Нури опа у кетгач, ўйлаб қолди. «Эсим-чи, фақат ишни билмаган, хо-лос. Ҳамоат ишларига ҳам қизиқиб қолган эдим. Иш-ишчи билдириб, бригада советига сайлашди. Мен эса қозоғда кўрсатилган жойга қўл қўйишдан бошқа

нима иш қилдим?! Қизингиз шундаки, ҳатто бригада со-вети аъзосининг вазифала-рини ҳам яхши билмасди. Энди ўйлаб кўрсам, лойиқ ишчиларни ташлаб менинг ҳам вазифам экан... Уялиб қолмаслигим учун энди ўз вазифамни ҳалол бажари-шим керак!».

Ишлаётган машинани назо-рат қилиб туришни унутиб қўлди. Аксинча, нариги ста-нокда ишлаётган ҳаммаси билан суҳбатлашиб олишни лозим кўрди. Натижада машинанинг ип тўқийдиган кийкина итгаси синиб қол-ган бўлса ҳам станок тўх-тамайди, брак материал

шина тозаланмасдан ишга туширилса, тешиқчаларга кириб қолган чанг, ип бў-лакчалари тўфайли станок ишдан чиқиши ёки матери-ал сифатсиз бўлиши мум-кин.

Шундай деди-да Нури опа бир маромда гувиллаб ишла-ётган машиналарни кўздан

маси биринчи сортларга қабул қилинди.

— Коллективизмининг бу кўрсаткичларга эришишида тақрибани, илгор ишчи Нури Раҳматиллаеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди бригада бошлиғи Ориф Гафуржонов. — 21 йилдан бери шу ерда ишлаб кела-ётган Нури опа ёшлардан ўз тақрибасини аямайди. Ҳозир унинг иш календа-рида 1990 йил. Устоз аини кунларда нормадан учта станок ўрнига 8 та станок-ни бошқариб, кунлик план-ни 180-200 процент ба-жаришга эришмоқда. Ло-бар Қодирова, Машкура Ҳайитова, Муяссар Юнусо-ва, Муқаддам Қўрбонова каби шоғирлари эса устоз-ларидан ўрнат олиб, 5—6 станокни ишлатиб, кунлик планни 1,5—2 ҳиссадан адо этиляпти.

— Шоғирлар аини кун-ларда устозга чин юракдан янги ютуқлар тилашляпти. Бунинг сабаби бор. Тош-кент шаҳридаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бirlасмаси материал тў-қиб пехида 21 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган, илгор ишчи Нури Раҳ-матиллаева Охунбоев но-мидаги область мукофоти-нинг лауреати. Шу кунларда у ана шу мукофотга яраша зарбдорона меҳнат қилляпти, ҳамкасбларига ва шоғир-ларига намуна бўляпти.

С. ҚУШОҚОВА,
ТошДУ студенти.

Халол бўлган иззат топади

Меҳр

Мақсуд навбатчилигини топ-шириб, энди кетишга оғлана-ётган эди, диспетчерлар хо-насидан телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман, — жавоб бер-ди диспетчер Р. Искандарова буюртмалар журналини очар экан.

— Нима? Адресингиз... Исти-тиш системасидан суз оқап-ти.

У телефонда гаплашиб бўл-гач, ЖЭУ бошлиғи Р. Халилов-нинг олдига кирди.

— Мавзу кўчиси, 2-уй 11-квартирада истиқомат қилаёт-ган пенсионер аялининг ван-нахонасидан иситиш система-сидан суз оқаётган экан. Участк слесери бетоб бўлиб, жавоб сўраб кетувди.

Шу орада бошлққ хонасига кирган Мақсуд Жуманиёзов шундай деди:

— Рустам Собирович, мен бора қоламан, бугун навбат-чилигимда иш кўп бўлмади...

Мақсуддан бу гапни эшит-ган ЖЭУ бошлиғи унга ми-натдорчилик билдирди.

Ҳа, Мақсуд ишга келганда оддий операцияларнинг ҳам ах-ши тушунамас эди. Лекин ўзи-нинг тиришқоқлиги, қизқу-чанлиги тўфайли кўп нарсани ўрганиб олди, ҳурмат қозон-ди.

— Бу ерда ишлаётганларнинг ҳаммасини ҳам бирдай жон-куяр, тиришқоқ деб бўлмай-ди, — дейди биз билан суҳ-батда ЖЭУ бошлиғи Рустам Халилов. — Мана ҳозир ба-ҳор. Бундай вақтда бизда иш жуда кам бўлади. Қармоғи-миздаги турар жойларнинг 79 процентини капитал ремонтдан чиқарган бўлсак ҳам, тез-тез қурувлардан, батареялардан суз оқиш ҳоллари учраб ту-рибди. Мақсуд каби ишчи комсомол-бшлар содир бўлган камчиликларни тезда бартар-ф этишмоқда.

Халолчи — бахт рамзи. Мақсуд шу ерда комсомол сифига қабул қилинди. У халқ-контроли комитети аъзоси си-фатида кўчига ишларни амалга оширмоқда. Айниқса у иш сифатида алоҳида эъ-тибор беради. Яқинда соци-алистик мусобақада ғолиб қи-ялигини учун унга Ленинград шехрига бориб келиш учун бепул туристик путёвка акра-тилди.

Мақсуд камтарона меҳнат билан элга хизмат қилиб, кўп-чиликнинг меҳрини қозонаётти.

М. АКРОМОВА.

Д. ОБЛАЕВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЭЗДИЛАР

Халқаро салон очилди

ПАРИЖ. Франция пойтах-тида уй-рўзгор электр аппа-ратлари 30-Халқаро сало-ни очилди. Жаҳоннинг 20 мам-лакатидан, шу жумладан Франция, ГФР, Буюк Бри-тания, Италия, Совет Итти-фоқи, Польша, Япония, АҚШдан 400 дан ортиқ корхона вакиллари шу виста-вакда ўз маҳсулотини кўр-сатмоқда. Янги проигрива-тель, магнитофон, динамик, телевизор, видеомагнитофон ва видеокамера, радиопр-емник моделлари салон эк-спозициясида асосий ўрин-ларни эгаллаган.

Виставада анча-мунча янгиликлар ҳам намойиш этилмоқда. Улар орасида

Навбатдаги ядро синови

ВАШИНГТОН. Невада штати полигонда навбатда-ги ер ости ядро синови ўт-казилди. «Абилин» деган кодли ном билан ўтказилган бу синов Қўшма Штатларда шу йил эълон қилган ик-кинчи ва полигоннинг бутун

товушни электрониканинг энг сўнгги ютуқларига асо-сланиб ёзиш ва эшитириш рақамли системаси деб ата-лувчи системаси магнито-фон намуналари мутахас-сисларнинг алоҳида эътибо-ринини жалб этди. Бу аппа-ратлар том маънода ҳамма параметрлари жиҳатидан одатдаги кассета магнито-фонлардан устун туради. Улар учун янги типдаги кас-сетада ҳам яратилган. Мутахассисларнинг чамаларига кўра, бундай магнитофонлар яқин икки-уч йил ичида олий классли магнитофонлар билан рақобатлаша олади.

Кўпгина сановат компания-лари ҳар хил янги модела-ри лазерли проигривате-ларни ҳам кўрсатмоқда. Буларда анъанавий игна ўр-нида лазер нури ишлатила-ди ва шу нур товуш ёзувини ихчам металл дискдан олиб эшиттиради. Статистика маълумотларига кўра, ке-йинги йиллар ГАРбий Евро-па мамлакатларида шундай проигривателларга талаб бирдан кўпайиб кетган. Улар оддий винил грампла-стинкаларни эшитишда иш-латилганга электрофонлар-ларни анча суриб қўйган. Салонда кассета ўрнида ла-зер диски ишлатилган видео-магнитофоннинг дастлабки намуналари ҳам намойиш этилмоқда.

Объективда—Англия



СУРАТДА: Лондон касалхо-наларидан бирга кираверинида ташкил этилган медицина ҳам-шараларининг пикети.

АП — ТАСС ФОТОС.

АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ СЕВИМИ ТАОМИ

Италянча пицца АҚШда энг манзур таомлардан бири бўлиб қолди. Орасига мўл пиццо ва зирворлар солиб юпке хамирдан пиширилган хушбўй пирога ва нонлар, сўнгги статистика маълумот-ларига кўра, америкаликлар-нинг ветчини ёки сосискали анъанавий бутербродларини иккинчи ўринга суриб қўй-ган.

Америкалик бир йилда ўр-та ҳисобда 10 килограмм пицца ейди. Чикаго аҳолиси италянча таомни, айниқса, хуш кўради. Бу ерда шахер-ликлар жон бошига бир йил-да қарийб 15 килограмм пи-цца тўғри келади. Мамлакатда 38 мингта пиццерий — рес-торан тўла қувват билан иш-лаб турибди. Булар АҚШ умумий оқватланиш корхо-налари жами сонининг 11 процентини ташкил қиляди. Бутербродлар тайёрлаб со-лувчи кафе ва ошхоналар со-

КАЛЕЙДОСКОП

ни бундан севкиз мингта кам-рок.

Пицца тайёрлаш рецептлари ва технологияси бундан ярим аср аввал Италиядан кўчиб келганлар билан бирга Аме-рикага ўтган. Махсус печ-ларда пирогага хоҳишга қа-раб гарнимдори, криветка, гўшт, пиёз, қўзқорин, ветчи-на, помидор солиб тайёрлана-ди. Пиццани телефон орқали ҳам буюрса бўлади — ча-кча югурдан иссиққа бердош-ли пластик идишда уни уйин-гизга келтириб беради. Мам-лакатнинг қарийб ҳамма озиқ-овқат магазинлари уни муз-датилган ҳолда сотиб туради.

Пиццани ҳар бир киши ха-рид этишга қодир — бир порцияси кетте — кичиклиги-га қараб бир доллардан 20 долларгача боради. Ҳар йили америкаликлар пиццеге сарф-лайдиган 15 миллиард дол-лар унинг мавзаси қанча экан-лигини кўрсатиб турибди.



© Владимир Жонибеков қалби пои нисон.

«Челленжер» ҳалокатга учраган киши сира ҳам эсимдан чиқармайман. Ушанда Американинг Сизтл шайридан келган делегация Тошкентда эди. Қизини учрашувлар, суҳбатлар узлуksиз давом этарди. Негадир кечаси уйқум ўчиб кетди. Ташқарига чиқсам, Володянинг хонасидан йиғи овози келарди. Юрагим ҳовлиқиб унинг ёнига кириб бордим. У менга ёшли кўзларини тикниб деди:

— «Челленжер» ҳалокатга учрабди.

Эртасига ҳам унинг кайфияти яхшиланади. У ўзининг фазовий дўстларига жуда қаттиқ аҳийган эди. Юраги тоза, қалбида одамийлик тўлиб-тошган кишигина шундай кайгура олади.

Яков ШАПИРО, ҳайкалтарош.

© Владимир Жонибеков энг аввало интернационалист. У турилган юрти «Ўзбекистон» жондиги билан севди. «Хар гап космосга учганимда кучуқватининг атиши фозини Ўзбекистон беради» деб бир неча марта таврлардади. У шуналар келтирдики, сўз билан таърифлаб бўлмайди. Мен билан Қашқадарёга, Китеб районуни, яна ҳам тўғрироғи Уртақил — ҳозирги Наврўз қишлоғига бир неча марта борган. Уш ердаги мактаб боғига бир туп олма, бир туп ўрик ниқоли ўтказиб қўлган. Жонибековга, айниқса Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган ҳамюртларимизнинг ҳар бирини номига биттадан ниқол экиш ҳақидаги ниқатимиз маъқул тушди. Ҳозир 131 қаҳрамоннинг номини аниқлаб кўчатлар экиди.

Шунда Жонибековга ҳазиллашдим:

— Сиз икки туп кўчат эксансиз.

— Нега, — деб сўради у.

— Чунки икки марта Қаҳрамонсиз.

Жонибеков кулди. Лекин икки туп кўчат экиди. Шундай ўз юртининг севган инсон билан замондош бўлганимдан фазрланаман.

Мухтор ШАПАНОВ, тарих фанлари кандидати.

© Космонавт Владимир Жонибеков билан 1987 йилнинг октябрыда танишганман. 4 соатча бирга бўлганмиз. Шундан бери у Тошкентда келганда суҳбатдан баҳраманд бўлишга ҳарат қиламан.

Космонавтика, космик техника ва уни бошқариш бир неча фанларнинг энг сўғит ютуқларига асосланган. Табиийки, бу космонавтидан низоҳатда чуқур ва кенг кўламли билим, малака талаб қилади. Мен космонавтикимиз билан суҳбатларда бунга ишонч ҳосил қилдим. Рибзёйт илмининг космонавтикага таъсири, космосга оид йирик муаммоларини енчида математика ҳамда ЭХМлар жуда кўп келатганини фазогир мароқ билан таъкир берган. «Ўзбекистонда суз ресурсларидан оптимал фойдаланишни ЭХМларда моделлаштириш мумкин, ахир!» — деди у. Ўзбекистон мактабларида физика ва математика ўқитилиши анчайин ёмон аҳволдадиги, ҳали ҳам кўпсонча авария ҳолатидаги мактаблар борлиги, ўзбек тилида синфдан ташқари ишлар учун муаллим ва ўқувчиларга атайган илмий-омлабон, методик адабиётлар деярли йўқлигини айтганимда, у «ҳа, булардан хабарим бор. Ўзбекистон мактабларидаги аҳвол — бизнинг дардимиз. Жойлардаги энг яхши билимлар мактабни бўлиши керак. Ахир, мамлакат, юрт келажиги шу ерда воғта етди-ку. Қанчадир қанча дағиллаша, ҳашаматли билимлар «му-собекаш» қўриқди. Мактаб ишига Мухтор ШАПАНОВдек фойдйилар керак. Мактабга

ғамхўрлик умумхалқ ишига айлانгандагина натижа иқобий бўлади. Шу гўзал юртининг бир фарзанди сифатида қўлимдан келганча мактабларга ёрдам бераман. Ўзбекистон — менинг ватаним. Мен доимо Ўзбекистон меҳрини ва тафтини ҳис қилиб космосга учганим. Мен Ян Гелелининг «Юлдузлар осмонининг атласи» китобига дасат ёздириб олдим. Ян Гелелининг китобини унга таъиниқ астроном олимимиз, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. П. Шенгел таъдид қилганининг айтиди. Ян Гелелининг китобидиги аллелгорик расмини кўрсатди: «Мана Улўбек. У дунёнинг энг буюк олтига астроном — юлдузгарларни орасида, астрономия фа-нининг илҳом париси — Ураниянинг ўнг томонидан биринчи бўлиб ўтирибди. Тенадаги йўз «Ворисларга муқим иш топишрама». Унинг муқим иши биз бақараётган иш бўл-са керак», деганди. Владимир Александрович Улўбек ҳақида, унинг астрономияга ул-кан ҳисса қўшган буюк олим эканлигини ҳақи-да таъкирди.

Китобдаги кўпгина расмларини менга низо-лаб берди. Сўнг у ўзи чизган «Якма-якма», «Орол денгизининг космосдан кўриниши» по-лотлилар билан таништирди.

Владимир Жонибеков чуқур билимдон бў-лиш билан бирга, низоҳатда меҳрибон, ил-тифотли инсон эканлигига ҳам қўйил қолди.

Мирфозил МИРЗАХМЕДОВ, физика-математика фанлари кандидати.

— Владимир Александрович, Сиз-ни кеча нишопланган Космонавтика куни билан чин дилдан кўтайимиз.

— Раҳмат. Бу байрам фақат биз-нинг эмас, барча совет кишиларининг ҳам байрами.

— Волялик йилларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Уэр, суҳбатини олдидан бошладик.

— Ҳечқис йўқ. Бу табиий савол. Космос ҳам аслида ердан бошлана-ди. Мен Тошкентнинг шундоқ би-нидаги Бўстонлиқ районига, ки-чина Искандар кўшигида туғилиб, ўсганман. Отам ҳам, онам ҳам оддий кишилар. Умр бўйи ҳалол меҳнат қи-лишди. Отам Александр Архипович ўт ўчириш командасида ишларди. Онам Евдокия Федоровна ҳамшира бўлган.

— Воляликнинг... У ҳақида нималар де-йишим мумкин. Ёмон кунларни эс-полмайман. Паҳса деворли кўрғон, ям-пиш даладар, бўйчан дарахтлар... Ариқлардаги зилот сувлар... Вир-и-дан-бири меҳрибон, кўнгли очик ўз-бек, қозоқ кўшиларимиз. Улар доим бизни узум, олма билан сийла-шарди... Воляликнинг акралимас ҳамроҳи эди улар.

— Ҳамма болалар каби мен ҳам шўх, ўйинқароқ эдим. Ёсимда, менга ўйин-чоқ от олиб беришганди. Лой тек-канимда, билмадим, ҳайтовур уни ювиб тозаломоччи бўлдим. Ариқ-қа солиб «қўмилтирдим». Сувдан ол-ганимда, у ясама эмасми, бўқлари кўчиб, елимларни ажралиб, бўлак-бў-лак бўлиб кетди. Роса йиғлаганман ўзим ҳам.

— Ёсимни таний бошлаганимдан бе-ри билдимки, отамнинг иши ҳамшира жанговар тайёргарликини тақозо этаркан. Уни хоҳ тунда, хоҳ тон-да — исталган пайтда олиб кетишарди. Тревога бўлдимки, бас, отам ўзи каби ўт ўчирувчилар қаторида ўтнинг даф қилгани отлариди. Балки шундан-дир, менда болалигимдан жанговар туянулар пайдо бўла бошлаганди.

— Биз жуда эрта улайиб қолдик. Ота-онанимиза кўлдан келганча ёр-дам беришга интилардик. Ном учун, қанг учун, умуман тирикчилик учун ўқуларда, узундан-узун қўзалиб кетган набатда турар эдим. Севган бўлсангиз керак, бу 1943-1945 йил-ларда. Улуг Ватан урушининг оғир кунларида бўлган. Ўша пайтлари болаларга мос бўлмаган ишларни ҳам бажарардик. Бирок нолимасдик.

1953 йили Тошкентдаги Су-воровчилар мактабига ўқишга кир-дим. Бу мактаб, билмадим нима са-бабдан 1960 йилда тугатилди. Биз охириги битирувчилари бўлдик. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтай. Шу мактабни қайта тиклаш заруради туғилди, менимча. Ҳозир махсус ҳарбий мактаб-интернатлар бор. У ерда ўқиш муддати 3 йил. Чинакам офицер бўлиб етишиш учун уч йил камлик қилади.

— Суворовчилар мактабига етти йил таълим олдим. Худди шу мактабда менинг юлдузлар ҳақидаги, коинот ҳақидаги чексиз орзуларим уйғонди. Бунинг сабаби ҳам бор эди. 1957 йилда жаҳонда биринчи марта биз-нинг мамлакатимизда Ер сунъий йўлдоши учуриди. Эҳ, ушандаги орзуларимни билсангиз эди! Ўқига-ним фақат астрономия, само, юл-дузлар ҳақидаги китоблар бўлди. У пайтда ҳали космонавтлар отряди ҳақида ҳеч нарс билмас эдим. Бир нарсани аниқ билар эдимки, бундан кейин чуқур билим олмай туриб, фақат сирларини эгалламай туриб, кўнглимдаги орзуларимга эришол-майман.

— Ўзбек олим Улўбек ҳақида ҳам бирор нарс биларингизми?

— Бўлмасам-чи. Ажойиб олим Қори Нибзийнинг «Улўбекнинг астрономия мактаби» китобини бир неча марта ўқиб чиққанман. Бош-қалар қандай фикрда, мен бун билмадим. Улўбек осмонга учиб ҳақи-да албатта кўп марта ўйлаган бўли-ши керак. Шунчалик катта билимга эга бўлган одам, фазога парвоз қи-лиш ҳақида ўйламаган бўлиши мум-кин эмас.

— Сизга бир ривоят айтиб берай. Ҳозир исмини унутдим, Хитой хоно-ларидан бири улкан варрак яратган. Унга 47 та порохли ракета ўрнат-ган. Тасаввур қилайсизми, қадим замонда ракета! Улар ёрдамида хо-қон кўнка парвоз қилмоқчи бўлган. 47 хизматкор барабар ракетани ўт олдинган. Охир-оқибатда ҳаммаси қаттиқ портлаш натижасида ҳалок бўлишган. Улар коинот йўлидаги улкан орзуларининг биринчи қурбон-ларидир.

— Самарқанддаги машҳур обидани курган уста қандай қилиб қанот ясаб минора тепасидан учиб кетгани ҳақидаги ривоятни эслайсизми? Демак, Улўбекда ҳам ана шундай орзулар бўлган.

— Улўбек Самарқандда ўша даврда ҳеч қаерда бўлмаган илмий марказ яратгани учун, тенги йўқ обсерва-тория курдиргани учун, осмон ҳа-қидаги орзулари учун ҳам жаҳолат қурбони бўлган.

— Владимир Александрович, Сиз космонавтиканга Юрий Гагарин билан учрашиб танишганингизми?

— Афсуски йўқ. Мен 1960-1961 йилларда авиация билим юртига ки-ролмасдан, анкироғи конкурсдан ўтолмасдан Ленинград давлат уни-верситетининг физика факультети-га ўқишга кирган эдим. Худди шу йи-ли Гагарин космосга парвоз қилди.

Юрагимдаги орзу ўшанда қатъий қа-рорга айланди: мен самосиз яшай олмас эканман.

Юрий Гагарин парвоз этган кун-даги хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Худди Гагарин олдида ўзим ҳам бордек.

— Университетни ташлаб, Ейскдаги олий ҳарбий авиация билим юртига (ҳозир у космонавт В. М. Комаров номида) ўқишга кирдим. Гагарин ҳақида Америка астронавти Нил Армстронг ажойиб бир гап айтган: «Юрий Гагарин бизнинг ҳаммамиз-ни космосга қорлади». Бу улуг қалб инсон ҳақида бундан ортқи бирон сўз айт олмайман.

— Илк марта космосга қачон парвоз қилгансиз?

— 1978 йилда.

— Парвозда нималарни ўйладин-гиз?

— Космосдан она Ерни кўрганим-да, қанчалик ҳайратга тушганимни билсангиз эди. Ўзим осмонда, Вата-нин пастда, юракларим энтиқиб кет-ган. Кўнглимдан кетган биринчи гап шу бўлди: «Еримиз бунчалар чирой-ли бўлмаса».

— Парвоз чоғида Тошкент усти-дан ўтганингизми?

— Ҳа, бир неча марта. Умуман Ер курагини бир марта айланиб чиқишимиз учун 90 минут кифоя. Демак, бизнинг ердаги бир суткамиз — 24 соат давомиди парвоз чоғида 16 марта кеча кундузи курағимиз. Тошкент устидан эса қамиди бир суткада икки марта учиб ўтамиз. Ҳар бир ўтиш 35-40 секунд давом этади. Биласизми, шаҳримиз тунда худди юлдуздек чақнаб туради. «Пахтакор» стадиони мош донаси-дек кўринади. Анҳор, Бўзсув худди яшил ипакдек бўлиб кўзга чалина-ди. Тошкент осмони узра баъзан бўлдулар ёпирилиб қоларди. Ажой-иб манзара: осмон тоқиди юлдуз-лар қарақайди, пастда эса мошо-қадирроқ гўмбурлаб, ҳали у ерда, ҳали бу ерда қақмоқ чақнади. Худ-ди оловли суварлар югуриб юр-ганда ўқимизми.

— Ўзбекистон осмонидан учиб ўтаётганингизда Орол денгизига ҳам кўзингиз тушгандир, албатта.

— Орол денгизини ялк бор кўр-ганимда у муз билан қоплаганди. Январ эди-да. 1981-1986 йиллар давомиди тўрт марта самога парвоз этдим. Ҳар гал ҳар хил манзарга дуч келдим. Очигини айтиш керак, Оролимиз қурипти. Бунинг аксида, Сарикамиз кўли эса кенгайиб бор-япти. Кейинги йилларда у терри-тория жиҳатидан икки марта катта-лашиб кетди.

— Орол билан Сарикамиз ора-сида боғлиқлик йўқмикин...

— Э, йўқ. Сарикамизга оқова сувлар тўхтовсиз келиб тўқилапти. Аслида бу сувлар тозалигича Орол-га бориши керак эди. Табиатнинг инсон ақли етмайди-ган муаммолари жуда кўп. Нақл қилишларича, Орол денгизи ўрнида қадимда карвон йўли ўтган экан. Бу билан Орол яна карвон йўли бў-лиши керак демоқчимасман. Оролин нима қилиб бўлса ҳам асраб қолти-риш керак.

— Рост қандай яшашни ҳам ўрганишимиз керак. Яшаш — фа-қат олиш эмас. Бериш ҳам керак. Ҳосилини олди, сувни олдики, нима-ни фойда бўлса табиатдан барини олдики. Қайтариб бериш фурсати етди. Кексаларимиз «Ҳар нарсанин вақти бор» дейди. Ўша вақт келди. Бунга билмаганлар билиб қўй-син. Ҳадеб «бу ишни фалонин қил-ган» деб аюханос солаверсан охи-рг ижмоят ҳам ўтиб кетди.

— Владимир Александрович, би-ринчи парвоздан кейин ерга қўн-ганингизда биринчи айтган гапингиз нима бўлган?

— Аввало ерга ярим кечада жуда қаттиқ қўнганмиз. Шергим Олег Макаров қичқириб юборди: — Йон, келдик! (Нимагадир ме-ни «Йон» дейишди. «Азизим» маъ-носиди бўлса керак). Мен бирон нарс деишга ҳам мажбум йўқ эди. Лекин «хайрият» деган бўлсам керак.

— Кўнганимизда қиш эди. Скафандр-ларда ўтирибмиз, совуқда қўнишди. 15—20 минут қолиб кетдик. Кейин бизни олиб кетгани вертолётларда келишди. Йигитлар иссиқ чой бе-ришди. Пўстинларга ўрашди. Кейин: — Йигитлар, митинг! — дейиш-ди.

— Ҳазиллашяпсизларми?

— Йўқ, — дейишди улар.

— Вертолёт чиролари ёруғида қа-расам, вой-бу — одам тўпланиб бў-лишди. Ен-атрофдаги овуллардан келишган бўлса керак-да. Болалар-ни айтмайсизми? Ундан ҳам қизиги уларни биз қўнган ерни топиб ке-лишгани! Машинада, туяда, арава-ларда келишибди. Қўллариди нон-туз. Бир чол қўлимни сиқиб ҳадеб: — Раҳмат, раҳмат, — дейди.

— Нимага раҳмат айтипти, билмай-ман. Шунда кўнглимдан бир гап келди: «Сизимиз одамлар билан гўзал. Одамлар меҳри билан гўзал».

— Сиз республикамизнинг кўпи-ни районларида бўлгансиз. Мактаб-ларга ўз-ўзидан кирган бўлсангиз керак. Умуман ёш авлод ҳақида, мактаблар ҳақида қандай фикрда-сиз?

— Бу саволларингизга жавобини узоқлардан бошлайман. Лекин суҳ-батимизга бевосита тааллуқли. Би-

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ВА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАРИГА УЗОҚ УМР, ИЖОДИЙ ИЛҲОМ, БАХТ-САОДАТ, ТИНЧЛИК, ЭСОН-ОМОНЛИК ВА БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАРИГА ОМАД ТИЛАБ КОСМОНАВТ ЖОНИБЕКОВ АПРЕЛЬ, 1988 й.

ЗАМИН ОДАМЛАР БИЛАН ГЎЗАЛ

СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Владимир Александрович ЖОНИБЕКОВ билан суҳбат



рон ерда учрашув бўлса одамлар, ахир, табиийки, Чирчиндаги кимё заво-дининг айрим цехлари ёнида ёки қайта ишлов комплекси янгидан ки-линиди, қилинляпти.

— Барбери мактаблар ҳақида тўх-талмадингиз...

— Ҳозир Ўзбекистондан космо-навт чиқмаганининг биринчи саба-би саломатлигининг ёмонлашуви бўлса, иккинчиси болаларимизнинг етарли билим ололмастлигидир.

— Мактаблар ҳақида айтмай қўя-лоай. Республикадаги жуда кўп мактаблар ислохот талабларига жа-воб бермайдилар. Жуда кўпларининг ичига қиришга қўйишди киши: босиб қолшиш мумкин! Лекин неча йиллар-дан бери уш мактабларда биз ке-лажамиз деб ардоқлайдиган бола-лар ўқийди.

Билим даражасининг пасайишига яна қишлоқ хўжалиги сабаб. Ўқув-чилар ҳамма ишда — пахта тери-мида ҳам, сабзавот йиғиштиришда ҳам, бошқа ишда ҳам бемиянат дастёр бўлиб қолган! Икки-уч ой-лаб даладарда бўлиш одат тусига кириб қолган.

Суворовчилар мактабига ўқиб юр-ган йилларимизда биз ҳам олти йил пахта теримига чиққанмиз. Ҳар са-фар икки ойдан. Дефляцияга қилин-ган майдонларга яқин бориб бўл-масди. Нафас олишга кўрқардик. Булар ўтган кунлар бўлиб қолса яқин бўларди. Ўқувчилар, студент-лик билим олиш. Билимиз инсон келгусида ҳаётга унчалик зарур

бўлмайди. Билим олиш керакми — унинг моддий-техника базасига би-ринчи навбатда эътибор бериш ке-рак.

— Депутат сифатида Сиз бу иш-га қандай қўмалашяпсиз?

— Мен нари борса бир-икки, бо-ринг-ки уч мактабнинг шароитини мустаҳкамлашга ёрдам бераман. Қўлайлари-чи? Демак, бу ишга ҳам-ма барабар жон қўйдириши керак. Ҳамма ўзини рақобатчи ҳисоблаши керак.

— Ташвишларини бир чегга қў-йинг эди, Владимир Александров-ич. Ойлангиз ҳақида сўзласангиз жон қўлуғиниз билан эшитармас.

— Ойлам учна катта эмас. Рафи-қам Лилия Мунировна билан бирин-чи Ер йўдоши учирилганда таниш-ганимиз.

— Йўлдошингиз иккита бўлган экан-да: бири ерда, ёнингизда, бири самодда?!

— Ҳа-ҳа, икковини ҳам барабар яхши кўрадим. 1964 йилда турмуш қурдик. Ҳозир музика дарси ўқи-тувчиси.

— Қизларим воғта етиб қолмишди. Инна 19 да Ленинград Давлат уни-верситетининг биология факульте-тида кечки бўлимда ўқийди. Химия лабораториясида ишлайди.

— У ҳам отаси сингари, универ-ситетни ташлаб кетмасмикин?

— Йўқ. Унда космос «касали» йўқ. Кичик қизим Ольга 7-синфда ўқийди. У ҳам Ленинградда.

— Ойлангиздан яна бир космо-навт чиқарингизми?

— Битта космонавт етар деб ўй-лайман.

— Кимларни яхши кўрасиз? Ал-батта, ижодкорлар маъносиди, агар сир бўлмаса айтган.

— Рассомлардан Тоир Салахов-нинг ишларини жуда қадрлайман. Соатлаб томоша қилиб тўймайман. Чинакам реалист рақам унга. Тош-кентлик Кирилли рақам ўзига хос расмом. Бисти, Эль-Греко. Булар менинг жон-дилим.

— Шонлардан Рафур Гуломни го-лти қадрлайман. Ижоди ҳайрато-муз жарангдор. Мухтор Ашрафий-нинг кўпчилиги соатлаб тинглаганла-рин бор. Авар халқининг улкан шо-ири Расул Гамзатовни ўқиб тўймай-ман.

— Таъбир жонз бўлса, Доғистон-да туртта космонавт бор десак хафа бўлмайсизми?

— Нега туртта?

— Расул Гамзатов, Қайси Қу-лнев, Алим Кокоев ва ниҳоят Му-со Манаров. Аввалти утаси ўз ола-мининг — адабиёт оламининг космо-навтларинки.

— Ҳақ гапини айтдингиз.

— Сизин рассом сифатида била-миз...

— Рассомлик менинг насбим эмас. У иккинчи истеъдодим. Бола-лигимдан табиатни севаман. Ҳатто Суворовчилар мактабига ўқганим-да рассомлик студиясига ҳам қат-нашганман. Кейинги пайтларда бўш вақтимдагина шуғулланаман.

— Умуман, санъат соҳасидаги усто-зим Шاپиро. У ўргатади, вақти кел-са ўрганади.

— Кўп сураб чизгандирсиз-а? Кўрғазма ташкил қилмайсизми?

— Кўп эмас. Рантасвир сура-ларим 30—40 та чиқар. Чизмала-рим кўпроқ. Кейин кўрғазма ташкил этиш ниятим йўқ. Профессонал эмас, ҳаваскорман. Бутун ишларим Ўзбекистонда қолдирмоқчиман. Ўзбекистон ССР Маданият фонди-га совға тариқасида. Менинг асосий ишим — космос.

— Ҳозир ҳам учингиз таёёрла-нпсанми?

— Йўқ, космик кема экипажа-ларини парвозга таёёрлаймиз. Шу иш-га ҳиссамни қўшиб келяпман.

— Космонавтиканинг келажиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Космонавтика келгусида халқ хўжалигининг энг яқин ёрдамчисига айланади, деб ўйлайман.

— Масалан, айтилик колхоз раис-и далаин машина билан айланиб чи-қди. У далаинг ичига тушмолади. Фақат четидан кўради. Далаинг ўртасида нима гап? У ерни ўт босиб ётгандир. Сувни қўллаб кетгандир. Экинлардаги аҳоли, ўсиши қўнғил-дагидек эмасдир? Ана шунда космо-навтика ёрдамга келади. Биз кўрган ҳамма нарсаларни ердаги қайта иш-ловчи ахборот марказига берамиз. У ердан колхоз раисининг ёки сов-хоз директорининг хонасиди дис-петлга узатилади. Раис колхознинг аҳолидан истаган минутида хабар-дор бўлади, чора кўради.

— Суворовчилар мактабига ўқиб юр-ган йилларимизда биз ҳам олти йил пахта теримига чиққанмиз. Ҳар са-фар икки ойдан. Дефляцияга қилин-ган майдонларга яқин бориб бўл-масди. Нафас олишга кўрқардик. Булар ўтган кунлар бўлиб қолса яқин бўларди. Ўқувчилар, студент-лик билим олиш. Билимиз инсон келгусида ҳаётга унчалик зарур

Ҳозир шу метод Беларуссиядаги бир-икки колхозларда синая қўри-ляпти. Яқин йилларда оммалашса ажаб эмас.

— Космонавтика медицинада, айниқ-са қўл келиши кутилмоқда. Келгу-сиди рақ, қанди диабет касаллиги-нинг давоси топила ажаб эмас. Уму-ман, космонавтикага фақат осмонга учиб эмас, балки космос Ерининг энг биринчи ёрдамчиси, фаровонлик омили деб қаралса тўғри бўлади.

— Энди яна Ер ташвишларига қайтайлик. Тошкентнинг яхши томо-ни ва ёмон томони Сизнингча нима?

— Тошкент — Шарқнинг юлдузи. Бунга ҳамма эътироф этади. Лекин Тошкентнинг ҳозирги қиёфасини кўриб, ранжийман. Гўзал билилар билан бир қаторда... лойқадлик ҳам ўсиб борапти.

— Олдинлар кимдан-кам кўчалар-да, қовилларда қоровул бўларди. Одамлар бирор айтмаса ҳам ҳамма-ёқни супуриб, тозаллаб қўярди. Қў-чада бирорта синган шох, тош қу-ринмасди, ариқларда эса зилот су-влар оқарди.

— Ҳозир кўча четларидаги бетон ариқларнинг ичи тўла ахлат. Ариқ сув оқиши учун, шаҳар иқлимни муътадиллаштириш учун қурилади-ку!

— Қўчадаги асфальт бир еридан ёри-ди дейлик. Ҳаммамиз шунини кўра-миз. То у ўпирилиб катта бўлмагу-нча қараб тураверамиз. Район ижро-ия комитетига ариза билан қатнаб, олти-етти ойни ўтказамиз. Шу олти-етти ой ичида ўша чуқурни кўмиб устидан асфальтлаб, цементлаб қўй-са бўладими? Бўлади. Лекин биз фақат бармоғимизни нуқиб қурсата-миз: бу анавининг

